

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/2 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

*№ S/2 (3)-2023*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

Специальный выпуск

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**  
Special Issue

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Гайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият.

### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<b>Рахманова Мавлуда Эркин қизи</b> СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚЛАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	9-16
<b>Икромжонов Акмалжон Махмуджонович</b> ФАХРУДДИН ЎЗЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ.....	17-25
<b>Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли</b> ТУРКИСТОН ЛЕГИОНИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН.....	26-34
<b>Хамидова Дилфуза Улуғбек қизи</b> НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА.....	34-41
<b>Nag'ashboyev Qazbek Bozorboy uli</b> SULTON RAHMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI.....	42-49
<b>Махмудов Махмуд Авазович</b> ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ТАБАҚАЛАШУВИ.....	50-58
<b>Mamatov Bektosh Tolibjon o'g'li</b> YALANGTO'SH VANODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR.....	59-66

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<b>Muminova Elnoraxon Abdukarimovna</b> “YASHIL” IQTISODIYOTGA O'TISHNING HORIJY TAJRIBALARI.....	66-75
<b>Файзуллоев Мирсаид Шухратович</b> СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ.....	76-85
<b>Кахарова Нилуфар Эркинжоновна</b> ОКР МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҚИДА ТУШУНЧА, МАҚСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР.....	86-91
<b>Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич</b> СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	92-99
<b>Rahmonov Mirvoxid Rajabovich</b> HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH.....	100-107
<b>Насруллоев Ҳикматулло Хабибуллоевич</b> ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	108-115
<b>Тоштемиров Шохруҳ Тошпўлатович</b> ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ.....	116-120

<b>Насимов Равшанжон Азимович</b> МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ .....	121-130
<b>Nabieva Nilufar Muratovna</b> MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE COMPANY.....	131-139
<b>Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович</b> КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ .....	140-148
<b>Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li</b> TO'G'RIDAN – TO'G'RI HORIJY INVESTITISYALARNI JALB QILISHDA MAMLAKAT XATARLARINI KAMAYTIRISH.....	149-155
<b>Yusupov Farruxbek Farxodovich</b> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SOLIQ MA'MURCHILIGIDA SOLIQ TO'LOVCHILARGA XIZMAT KO'RSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI.....	156-162
<b>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</b> KICHIK BIZNES KORXONALARIDA MOLIYAVIY REJALASHTIRISH VA BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSIYATLARI .....	163-172
<b>Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи</b> ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ .....	173-179
<b>Насимджанов Юнусжон Зоҳидович</b> МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИҒИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	180-187
<b>09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Ҳакимов Акмалжон Мирзағаниевич</b> ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ .....	188-192
<b>Холмирзаев Нодиржон Низомжонович</b> УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ .....	193-198
<b>Voboqulov Abror Abdug'ani o'g'li</b> “OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT” TIL MODELINING FALSAFIY Tahlili .....	199-204
<b>Ялгашев Бунёд Махмудович</b> САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУҲЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИНГ ЯШАШ ТАРЗИ .....	205-213
<b>Safarov Maqsudali</b> ABU BAKR AR-ROZIYNING “TIBBI RUHONIY” (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA G‘AZABNI VA INSONNING O‘Z KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH HAQIDA MULOHAZALAR .....	214-219
<b>Сохибова Лола Жонибоевна</b> ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ .....	220-224

**Адашова Махсума Махмудбоевна**  
ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ  
ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА.....225-231

**Mukhammediyarova Akhmaral**  
PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE  
ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM.....232-239

#### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

**Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon**  
FRAZEOLOGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO‘LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY  
MA‘NOLARI.....240-245

**Surmilova Elena**  
GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE  
TEACHING .....246-252

**Олимова Дилафрузхон Бахтиёржон қизи**  
ТИЛШУНОСЛИҚДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ .....253-257

**Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna**  
XITOIY TILI GRAMMATIKASIDAGI “NATIJA TO‘LIQLOVCHISI (结果补语)” .....258-262

**Azzamov Yusufjon Radjaboy o‘g‘li, Jo‘rayeva Xayriniso Shavkat qizi**  
EKOJURNALISTIKANING QO‘LLANILISH KATEGORIYALARI .....263-268

**Fillipova Olga Igorevna**  
CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY.....269-278

**Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi**  
LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD “MURDER” .....279-285

#### **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

**Ильясов Баходир Ильясович**  
ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO‘RSATISHNING TASHKILY-HUQUQIY MEKANIZMI VA  
UNING RIVOJLANISH YO‘LLARI .....286-293

**Чориева Хуршидабону Хуррам қизи**  
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ  
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ .....294-299

**Хаётов Анвар Хусанович**  
ХАЛҚАРО ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИНИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ  
СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ .....300-307

#### **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

**Журабекова Хабиба Мадаминовна**  
РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ  
КОМПЕТЕНТНОСТИ .....308-315

<b>Tursunova Aziza Xoshimovna</b> WEB TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR YARATISH USULLARI .....	316-321
<b>Oblanazarov Faxriddin Asadovich</b> FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN- QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH .....	322-329
<b>Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna</b> IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING O'RNI .....	330-335
<b>Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li</b> MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI .....	336-342
<b>Jurayev Bobomurod Tojiyevich</b> SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI .....	343-350



07.00.00 – Тарих фанлари

**Икромжонов Акмалжон Махмуджонович**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,  
мустақил тадқиқотчиси

### **ФАХРУДДИН ЎЗЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАХР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ**

**Аннотация.** Фахруддин Ўзжандийнинг тўлиқ исми Ҳасан ибн Мансур ибн Махмуд ибн Абдулазиз ибн Абдур-Раззоқ ал-Ўзжандий ал-Фарғонийдир (бундан кейин Фахруддин Ўзжандий номи билан келади). Фахруддин Ўзжандийнинг ўрта асрлар Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожига қўшган ҳиссасини ўрганиш учун олим яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий муҳит ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш лозим. Шундагина унинг Мовароуннаҳр ҳанафийлик мазҳаби ривожига тутган ўрнини ҳолисона белгилаш ва илмий таҳлил қилиш мумкин бўлади.

**Калит сўзлар:** Ўзжандий, Фахруддин, фатово, қорахон, фикҳ, фақиҳ, Ўзган, Мовароуннаҳр.

**Икромджанов Акмалжон Махмуджанович**  
Международная исламская академия Узбекистана,  
независимый исследователь

### **МАВЕРАННАХРСКАЯ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ СИТУАЦИЯ И РАЗВИТИЕ НАУКИ В ПЕРИОД ЖИЗНИ ФАХРУДДИНА УЗЖАНДИ**

**Аннотация.** Полное имя Фахруддина Узжанди – Хасан ибн Мансур ибн Махмуд ибн Абдулазиз ибн Абдур-Раззак аль-Узжанди аль-Фаргани (далее Фахруддин Узжанди). Для изучения вклада Фахруддина Узжанди в развитие средневековой Мавераннахрская юриспруденции необходимо иметь полное представление о общественно-политической обстановке того времени, когда жил ученый. Только тогда можно будет объективно определить и научно проанализировать его место в развитии Мавераннахрской школы ханафитства.

**Ключевые слова:** Узжанди, Фахруддин, фатава, Карахан, юриспруденция, правовед, Озган, Мавераннахр.

**Ikromjonov Akmaljon Mahmudjonovich**  
International Islamic Academy of Uzbekistan,  
Independent researcher

### **SOCIO-POLITICAL SITUATION IN MAWARANNAHR AND THE DEVELOPMENT OF SCIENCE DURING THE LIFE OF FAKHR AL-DĪN ŪZJANDI.**

**Annotation.** The full name of Fakhr al-Dīn Ūzjandi is Ḥasan ibn Maṣṣūr ibn Maḥmūd ibn ‘Abd Al-‘Azīz ibn ‘Abd al-Razzāq al-Ūzjandi al-Farghānī (hereinafter Fakhr al-Dīn Ūzjandi). To study the contribution of Fakhr al-Dīn Ūzjandi to the development of medieval Mawarannahr jurisprudence, it is necessary to have a complete understanding of the socio-political situation of the time when the scientist lived. Only then will it be possible to objectively determine and scientifically analyze its place in the development of the Mawarannahr school of Ḥanafī.

**Key words:** Ūzjandi, Fakhr al-Dīn, fatwa, Karakhan, jurisprudence, jurist, Ozgan, Mawarannahr.

DOI: <https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N02>

## Кириш

Фахруддин Ўзжандийнинг ҳаётий фаолияти Ғарбий Қорахонийлар (280-608/894-1212 йй) ва Салжуқий ҳукмдорлар (431-590/1040-1194 йй.) ўртасида бўлиб ўтган ҳарбий тўқнашувлар даврига тўғри келган [1:376].

Марказий Осиёда ислом динига оид илмларни ривожланишида Қорахонийлар давлатининг хизмати катта бўлди. Қорахонийлар шарқий ва ғарбий Туркистонда ҳукм сурган илк туркий мусулмон давлати асосчилари саналишади (225-609/840-1212 йй) [2:1][3:1].

## Адабиётлар таҳлили ва методология

Араб манбаларида Қорахонийлар давлати турли номлар билан “Оли Хония”, “Мулук ал-Хоқония”, “Авлад ал-Хония” ва “Оли Афросиёб” деб номланганини кўриш мумкин [4:320][6:22].

Ўрганилаётган олим “Фатово Қозихон” асарининг муаллифи Фахруддин Ўзжандийнинг таваллуд топган жойи Ўзганд ва вафот этган жойи Бухоро бўлганидан келиб чиқиб, у ғарбий Қорахонийлар давлатида яшаб ижод қилган деган хулосага келинади.

XII асрнинг бошларида Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрға янги юриши бошланади. Буғрохон Муҳаммаднинг набираси Ҳорун Тегин (Қодирхон) Жаброил ибн Умар (492/1099-495/1102) Тамғочхон Абул-Қосим Маҳмуд I Тегинни (490-492/1097-1099) ўлдириб, Мовароуннаҳрни босиб олади ва 1102 йили султон Маликшоҳнинг ўғиллари ўртасидаги низолардан фойдаланиб, Хуросонни эгаллаш ниятида салжуқийлар ҳудудига юришни бошлайди ва Термизни қўлга киритади. Лекин Ҳорун Тегин Қодирхон Термиз яқинидаги жойда салжуқийлар султони Санжар томонидан мағлуб этилиб, 495/1102 йили қатл қилинади [1:381][43:22].

Мовароуннаҳрни тўлиқ назорат остига олган Султон Санжар ўзининг жияни ва қорахонийлар сулоласидан бўлган Муҳаммад Тегин II ибн Сулаймонни (495/1102-524/1130) Самарқандга келтириб, ғарбий қорахонийларнинг буюк хони этиб тайинлайди [1:59] [8:291]. Муҳаммад Тегин II ибн Сулаймон Арслонхон унвонини олиб, 1130 йилгача ҳукмдорлик қилади [1:381] [6:22].

## Муҳокама

Фахруддин Ўзжандий яшаган даврда салжуқийлар султони Санжарнинг (ваф. 1157 й.) ёрдамида тахтга келган ва “Арслонхон” унвонини олган Муҳаммад Арслонхон (ваф. 1130 й.) ибн Сулаймон Тегин (496-525/1102-1130 йй.) Ғарбий Қорахонийлар ҳукмдори эди.

Ҳукмронлигининг дастабки йилларида Муҳаммад Тегин II Арслонхон Қорахонийлар тахтига даъво қилган Ҳасан ибн Али (Сағирбек) исми амир билан кураш олиб боришига тўғри келади. Ибн Асирнинг айтишича, Сағирбек ҳам Қорахонийлар сулоласидан бўлган [1:137]. Сағирбекнинг биринчи қўзғолони 1103 йили бўлган. Ўшанда Султон Санжар воситачилига томонлар сулҳга келишади. Сағирбек 503/1109 йили яна қўзғолон кўтаргач, Муҳаммад Тегин II ибн Сулаймон султон Санжар ёрдамида қўзғолончиларни Нахшоб деган жойда мағлуб этади. Сағирбек Ҳасан ибн Али Марвга асир ўлароқ олиб кетилади. [7:137] [1:382] [43:125,175] [8:292]

Бунинг ортидан давлатда йигирма йил давомида барқарорлик ҳукмрон бўлади. Муҳаммад Тегин II Арслонхон художўй ва тақводор ҳукдор бўлгани билан қолган қорахоний ҳукмдорларидан ажралиб туради. Унинг даврида кўплаб иншоотлар, масжид ва мадрасалар барпо этилган [3:22]. [42:149]

У 1119 йили вайрон бўлган Шамсиобод қасри ўрнида намозгоҳ, 1121 йили дабдабали жоме масжид ва икки қаср қурдирган. Унинг буйруғи билан жоме масжиднинг минораси шаҳристонга кўчирилган. У ҳали исломни қабул қилмаган туркий қавмлар (қипчоқлар) билан жанглари олиб боргани сабабли “ғозий” номи билан ҳам танилган [1:382].

XI асрнинг 20 йилларида маҳаллий зодагонлар ва фақиҳларнинг хон ҳокимиятига қарши кураши натижасида Мовароуннаҳрда мураккаб вазият юзага келади [42:175]. Бухоро фақиҳларининг бошлиғи (*раиси*) бўлган Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ҳам (ваф. 534/1139 й.) отаси Исмоил ас-Саффор ал-Ансорий ал-Бухорий<sup>1</sup> каби ҳукмдорларни танқид қилиб, одилона талаблар кўяди ва бу ҳолат мамлакатда кўзғолонлар чиқишига сабаб бўлади. Давлатда барқарорликни сақлаб қолиш учун султон Санжар уни Марвга сургун қилишга мажбур бўлган [14:383]. Ушбу вақтга келиб, Бухорода “Оли Бурҳон” деб номланувчи *раислар* сулосаси юксалган бўлиб, улар *садрлар* деб аталишган [15:20]. Ушбу сулоланинг асосчиси Султон Санжар томонидан 495/1102 йили Бухорога топшириқ билан юборилган Абдулазиз ибн Умар ибн Моза (ваф. 517/1123 й.) эди [16:99]. Султон Санжар уни *садр* деб номлаган ва Исмоил ас-Саффорнинг ўрнига юборган эди [8:27].

Муҳаммад Арслонхон умрининг сўнгги йилларида фалаж бўлиб қолганлиги сабабли ўғли Насрхон II ибн Муҳаммадни ўзининг ноибни этиб тайинлайди. Наср II суиқасд натижасида ўлдирилади. Суиқасдни Арслонхоннинг йўқлигидан фойдаланиб, фақиҳ ва мударрис Ашраф ибн Муҳаммад ал-Алавий ас-Самарқандий ва Самарқанд *раиси* уюштиришади. Ундан кейин яна Салжуқийлар таъсирида 525/1130 йили тахтга келган унинг бошқа ўғли Аҳмадхон II ибн Муҳаммад қисқа муддат ҳукмдорлик қилган [1:383][3:22].

Аҳмадхон II нинг фақиҳ Ашраф ибн Муҳаммад ва Самарқанд раисига бас кела олмаслигидан кўрқиб, Муҳаммад Арслонхон Султон Санжардан ёрдам сўрайди. Шу билан бирга Муҳаммад Арслонхон ўғли Аҳмадхон II ни (523/1129 й.) Самарқандга чақиртиради. Фақиҳ Ашраф ва Самарқанд раиси Аҳмадхон II ни кутиб олгани чиқишганида у фақиҳни қатл этади ва раисни қўлга олади [1:383]. Ибн ал-Асирнинг айтишича, тинчлик ўрнатилгач, Муҳаммад Арслонхон Султон Санжардан ёрдам сўраганидан афсус чекиб, унга мактуб ёзади ва ўзининг султонга тобе эканини баён этиб, унинг Хуросонга қайтиб кетишини сўрайди. Бироқ, Султон Санжарнинг қўшини Амударёни кечиб ўтиб, Мовароуннаҳр худудига киради. Султон Санжар овга чиққан вақтида ўн иккита қуролланаган кишиларни тутиб олади. Улар ўзларининг Арслонхон томонидан Султон Санжарни ўлдириш учун ёлланган эканликларига иқрор бўлишади [10:175]. Шундан сўнг Санжар Самарқандни қамал қилиб, 524/1130 йили босиб олади. Қалъалардан бирига яширинган Муҳаммад Арслонхон омонлик сўраб, қалъадан чиқади.

<sup>1</sup> Имом Абу Иброҳим Исмоил ас-Саффор ал-Ансорий ал-Бухорий Шамсулмулк Наср I даврида қатл этилган. Қар. Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ас-Самъоний. Ал-Ансоб. 12 жилдли / Акрам ал-Буший таҳрири остида. – Қоҳира: Мактаба ибн Тамимийя, 1984. Ж.8. – Б 77 (Бундан кейин: Самъоний. Ал-Ансоб.)

Султон Санжар унга эхтиром кўрсатиб, Балхга ўзининг хотини ва Муҳаммад Арслонхон қизининг олдига юборади [10:253]. Муҳаммад Арслонхон ибн Сулаймон 526/1132 йили Марвда вафот этган [3:22].

Султон Санжар Самарқандда бир муддат қолиб, Марвда асир бўлиб турган Ҳасан ибн Алини (Сағирбек) Самарқандга ҳоким этиб тайинлаб, Хуросонга қайтади [10:253][42:175]. Ҳасан Тегин 526/1132 йили вафот этгач, Муҳаммад Арслонхоннинг укаси Тамғоч Буғрохон Иброҳим II ибн Сулаймон буюк хон этиб тайинланади [1:383][3:23][42:175].

Иброҳим II ўлимидан сўнг 526/1132 йили Муҳаммад Арслонхоннинг учинчи ўғли ва Султон Санжарнинг жияни Рукнуддин Маҳмудхон II ибн Муҳаммад (526/1132-535/1141) буюк хон деб эълон қилинади [42:175][25:156][3:23].

Мовароуннаҳрнинг Қорахитойлар (536-607/1141-1211) томонидан босиб олиниши Маҳмудхон ибн Муҳаммад даврига тўғри келади. Қорахитойлар 522/1128 йили илк бор Шарқий Туркистонга юришни амалга оширишган [10:321][1:32][42:177]. Улар Шарқий Қорахоний давлати хоқони Арслонхон Аҳмад ибн Ҳасан томонидан тормор этилган. Қашғар хони Аҳмадхоннинг қорахитойлар устидан қозонган ғалабасидан кейин Султон Санжар Бағдоддаги салжуқийлар вазирига ёзган мактубида ғайридинлар томонидан келадиган хавф тўлиқ бартараф этилгани ҳақида ёзган [42:177].

Мағлубиятдан сўнг Қорахитойларнинг бир қисми Еттисувга кўчиб, ўша ерда жойлашади ва уларнинг сони қир минг ўтовга етганида (519/1125 ёки 524/1130 йили [42:177]) ҳукмдор Елюй Даши (яъни Гўрхон) бошчилигида Боласоғунни босиб олишади ва ўзларининг давлатига асос солиб, Мовароуннаҳрга юришни бошлашади [10:321][1:33][42:177].

Маҳмудхон II ибн Муҳаммад 531/1137 йили Хўжанд яқинида бўлиб ўтган Қорахитойларга қарши урушда мағлуб бўлиб, Самарқандга қочиб кетади [3:23][1:386]. Маҳмудхон Султон Санжардан Қорахитойлар ва итоат қилмай қўйган қарлуқларга қарши ёрдам сўрайди. Султон юз минг отлиқ аскар билан Самарқандга етиб келгач, қарлуқлар қорахитойлардан ёрдам сўрашади. Қорахитой ҳукмдор Гўрхон қарлуқларнинг тарафини олиб, Султон Санжардан уларни афв этишини сўрайди [4:322]. Салжуқий султоннинг таҳқиромуз жавоби Қорахитойларнинг Мовароуннаҳрга янги юришини келтириб чиқаради [1:389][42:178].

Салжуқийлар ва Қорахитойлар ўртасида 9 сентябр 536/1141 йили бўлиб ўтган Қатавон жанги Шарқий-Салжуқий султонлигининг тор-тор этилиши билан якунланган [3:23].

Қорахитойлар ҳукмдори Гўрхон Елюй Дашининг қўшини турклар, хитойликлар, шунингдек, Қорахитойларга қўшилиб олган эллик мингга яқин қарлуқ жангчиларидан иборат эди. Сажуқийлар қўшини эса хуросонлик, сижистонлик, мазардаронлик жангчилар ва қорахоний ҳарбий бўлинмалардан ташкил топган эди [42:179].

Гўрхон душман қўшини қуршовга олиш мақсадида ўз қўшинини уч қисмга бўлган. Султон Санжар эса қўшинини жанговар тарзда: ўнг қанот, чап қанот ва ўрта қисмга бўлган. Ўнг қанот бошқарувини амир Қумочга, чап қанотни эса Сижистон ҳукмдори Тожуддин Абул-Фазлга топшириб, қўшин марказини Султон Санжарнинг ўзи бошқарган [10:322][42:179].

Султон Санжарнинг қўшини қуршовга олиниб, қоча бошлайди ва Даргом деган жойдаги дарага сиқиб қўйилади. Султоннинг юзлаган аскарлари дарёга чўкиб кетади. Жангда Султон Санжарнинг кўзга кўринган амирлари: Қуройш ибн Занги, Умар ибн Онар ва Маҳмуд ал-Кашаний ҳалок бўлишади. Амр Қумоч, Сижистон ҳукмдори Тожуддин Абул-Фазл ва Султоннинг хотини Туркон Хотун асирга тушишади [10:322].

Қатавон даштида бўлиб ўтган жангда Қорахитойларга мағлуб бўлган Султон Санжар ва Маҳмудхон II ибн Муҳаммад<sup>1</sup> Мовароуннаҳрни Қорахитойларга қолдириб, Термизга қочишга мажбур бўлишди [3:23][1:389][42:215][10:416,421,448,449][1:393,395,398].

Замонавий тарихнависликда Қатавон жангига яқдил баҳо берилмаган. Озарбайжон тарихчиси Агаджанов ёзишча, ўша даврдаги қорахитой-салжуқий ва салжуқий-қорахоний муносабатлари урушнинг зўравонликка асосланган ички сиёсатнинг давоми бўлганини тасдиқлайди. Бойликка ва қўшни давлатларни босиб олишга интилиш Шарқий-Салжуқий султонлигининг Қорахитойлар билан тўқнашувининг асосий сабабларидан бўлган [42:181].

Салжуқийлар қўшининг тор-мот этилиши минтақада катта ўзгаришлар рўй беришига сабаб бўлди. Қатавон жанги Ўрта Осиёга кўчманчи халқларнинг кўчиб келишига катта йўл очди. Улар билан бирга минтақага буддавийлик ва монавийлик ҳам кириб келган [42:181].

Ибн ал-Асирнинг айтишича, Қорахитойлар ҳукмдори Гўрхон Елюй Даши монавий бўлган. Гўрхон аскарларига босиб олинган ўлкаларни талон-торож қилиш ва аҳолига зулм қилишни ман этган. Бирор шаҳар босиб олинса, Қорахитойлар ҳар бир уйдан бир динордан солиқ олиш билан чекланишган. Гўрхон қўмондонларига ерларни бўлиб бермаган ва исён қила олмасликлари учун қўмондонларни юздан ортиқ отликқа бошлиқ этиб тайинламаган. Қорахитойларга бўйсунган маҳаллий ҳукмдорлар тобелик белгиси ўлароқ кумушдан ишланган кичик лавҳани белларига боғлаб юришлари шарт бўлган [10:322,323][1:34].

Қатавон жангидан сўнг Еттисув ва Мовароуннаҳр қорахитойлар империясига таркибига киради. Қорахитойларнинг бевосита бошқаруви остига Еттисувнинг жанубий қисми, Ғулжа ва Сирдарёнинг шимолий-шарқий минтақалари кирган. Гўрхоннинг бош қароргоҳи Чу даёрсининг бўйида, Боласоғун яқинида жойлашган бўлиб, Хосун Орда номи билан аталган. Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистонда Қорахонийларнинг вассал ҳокимияти давом этган. Қорахитойлар даврида Самарқанд ҳукмдори ва қарлуқ хонлари ёнида доимий равишда Гўрхоннинг вакили бўлган.

<sup>1</sup> Маҳмудхон II ибн Муҳаммад вафот этгунига қадар Хуросонда қолади. Маҳмудхон Султон Санжарнинг опаси ва Арслонхон Муҳаммаднинг ўғли эди. Қатавон жангидан кейин у тоғаси билан Термизга қочишга мажбур бўлади. Султон Санжар ўғизлар томонидан асирга олинган 1153-1156 йиллар давомида ва Султон Санжар вафот этганидан кейин 1160-1162 йилларда Маҳмудхон II икки марта (Нишопурда) тахтга чиқарилган. Маҳмудхон II нинг Хуросондаги ҳокимияти Ироқ Салжуқийлари Султони Маҳмуд ибн Муҳаммад томонидан ҳам тасдиқланган. 554/1159 йили ўғиз амирлари элчи юбориб, уни ўзларига подшоҳ бўлишини сўрашади. Рад жавобини олишгач, Маҳмудхон II дан ўғли Жалолуддин Умарни юборишини илтимос қилишади. Ўғизларнинг талабига кўра, Жалолуддин ўғизларга ҳукмдор бўлган. Кейин 555/1160 унинг ўзи ўғизлар ҳукмдори бўлган. Хуросонни эгаллашга ҳаракат қилган Султон Санжарнинг қўмондонларидан бири Муайяд Ай Аба 556/1161 йили Маҳмудхон II ва унинг ўғли Муҳаммадни асирга олиб, кўзларига мил торттирган. 556/1161 йили иккиси зиндонда вафот этган. (Қар. Агаджанов С.Г. – Б. 215, 218; Ибн ал-Асир. Ал-Комил. Ж.9 – Б. 416, 421, 448, 449; Бартольд. Туркестан. Ж. 1. –Б 393, 395, 398)

Хоразмшоҳга эса солиқ йиғиш учун маълум вақтлардагина вакиллар юборилган. Бироқ, Бухоро раиси сингари айрим ҳокимлар эса Қорахитойлар учун солиқ йиғиш ҳуқуқини қўлга киритишган [1:35].

Қорахитойлар 536/1141-42 йили Бухорони ҳам эгаллашади. Ўша вақтда Абдулазиз ибн Умар ибн Мозанинг ўғли Хусомиддин Умар ас-Садр аш-Шаҳид (ваф. 536/1141 й.) Бухоронинг садри эди. Қатавондаги жангдан сўнг Гўрхон Бухорони босиб олиб, Хусомиддин Умарни қатл этган [42:181][8:347]. Қорахитойлар ўша йили Бухорога Алп Тегин исмли шахсни ҳоким этиб тайинлашган[4:304,348].

Қорахитойларнинг ҳукмронлик даврида ҳам Мовароуннаҳрда хонлар ва қарлуқлар ўртасида кураш давом этган. Қорахитойлар ҳимоясида бўлган қарлуқлар Мовароуннаҳрда сиёсий беқарорликни юзага келтиришган. Улар Муҳаммад Арслонхон (496-525/1102-1130 йй.) даврида Мовароуннаҳрга келиб жойлашган ва унинг қўшинида аскар бўлган оғузларни ўзларига рақиб ҳисоблаб, уларни Мовароуннаҳрдан чиқариб ташлашни мақсад қилишган ва бунга муваффақ бўлишган [4:304,348]. Ўғузлар Мовароуннаҳрни тарқ этганидан кейин ёрдамсиз қолган қорахитойлар томонидан тахтга чиқарилган Тамғочхон Иброҳим III ибн Муҳаммад 551/1156 йили қарлуқлар билан урушда қатл этилади ва жасади чўлга улоқтириб кетилади [4:401].

Ибн ал-Асирнинг айтишича <sup>1</sup>, қорахитойлар ҳукмдори Гўрхон Чағрибек Алихондан қарлуқларни Бухоро ва Самарқанддан чиқариб юборишни, уларни Қашғарга кўчишга мажбур қилишни талаб қилган ва қарлуқлар қуролларини ташлаб, деҳқончилик билан шуғулланишларини истаган. Қарлуқлар кўзғолон қилиб Бухорога юришни бошлашган. Хусомиддин Умар ас-Садр аш-Шаҳиднинг ўғли ва Бухоронинг ўша вақтдаги раиси Муҳаммад ибн Хусомиддин хонни бундан хабардор этиб, қарлуқларга қарши қўшин билан келишини сўраган. Шу билан бирга раис қарлуқларга ҳам элчилар юбориб, Қорахитойлар Бухорони босганида қотиллик ва талон-тарож қилишмаганини, қарлуқлар эса ғозийлар бўлишгани ҳолда бундай ишни қилишлари гуноҳ иш бўлишини уқтириб, уларни чалғитиб туришга муваффақ бўлган. Хон қўшини тўсатдан бостириб келиб қарлуқларнинг кўпини яқсон қилган, қолганларини эса Мовароуннаҳрдан қувиб чиқарган [10:473] [1:398] [8:308]. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, сиёсий ҳокимият қорахитойлар қўлида бўлган бўлсада, Бухорода садрлар оиласи ўз нуфузини йўқотмаган.

Чағрибек Алихон 555/1160 йили вафот этач, тахтга унинг укаси Қилич Тамғочхон Масъуд II ибн Ҳасан чиқади (556/1160-574/1178 йй.) [25:157]. Қарлуқлар ва ўғизлар билан курашган Тамғочхон Масъуд II мамлакатда барқарорликни ўрнатишга ҳаракат қилган. Тамғочхон Масъуд даврида қарлуқлар Аёрбек исмли қўмондон бошчилигида кўзғолон кўтаришади. Хон қўшини ва қарлуқлар ўртасида кечган жангда қарлуқлар мағлуб этилиб, Мовароуннаҳрда бир йил давомида бош қўмондонлик қилган қарлуқ Аёрбек қатл этилган [8:310] [1:400].

Шунингдек, Тамғочхон Масъуднинг Тамғочхон Иброҳим III ни қатл этган қарлуқ қўшинлари ва Хуросонни талон-тарож қилган оғузларга қарши кураши ҳам

---

<sup>1</sup> Ибн ал-Асир мазкур воқеанинг 559/1164 йилда содир бўлганини ёзади. Унинг ёзишича, қарлуқларни Мовароуннаҳрдан чиқариб юборишни қорахитой ҳукмдори Чағрихон Алихондан талаб қилган. Лекин академик В.В. Бартольд Ибн ал-Асирнинг хатога йўл қўйганини айтади. Чунки бу даврга келиб Чағрихон Алихоннинг укаси Қилич Тамғочхон Масъуд II ҳокимият тепасига келган эди. [10:473] [1:397].

муваффақият билан якун топган. Унинг Иброҳимни қатл этган қарлуқ қўшинларига қарши жанглари Нахшоб (Қарши), Кеш, Чағониёнда ва Термизда бўлиб ўтган ва мазкур жойлар улардан тозаланиб, уларда барқарорлик ўрнатилган [1:400].

Қилич Арслонхон Усмон 608/1211 йили Самарқандга қайтганида хоразмликларнинг маҳаллий аҳолига зулм ва ёмон муомалалар қилганини билгач, қорахитой ҳукмдори Гўрхонга мактуб ёзиб, яна унга тобе бўлиш истагини билдирди. Гўрхон бунга розиб бўлади ва уни қизига уйлантиради.

Мазкур таълим муассалари тез орада ўлканинг ҳар тарафига ёйилди. Натижада Самарқанд, Бухоро, Шош, Боласоғун, Ёркент ва Қашғар каби шаҳарларда мадрасалар очилди [38:218].

### **Натижалар**

Қорахонийларнинг илм аҳлига катта эътибор беришлари [1:373] сабабли аҳоли орасида илм ва илм аҳлининг мавқеи ошиб борди. Қорахонийларнинг бундай йўл тутишларида икки хил мақсадни аниқлаш мумкин: биринчидан, янги мусулмон бўлган аҳолининг ишончларини мустаҳкамлаш ва эски динларидан узоқлаштириш; иккинчидан, ўлкада таъсирчан кучга эга бўлган шиаларга қарши суннийлик-ҳанафийлик эътиқодини ҳимоя қилиш.

Мовароуннаҳр шаҳарлари қисқа давр ичида илм ва маданият марказларига айланди. У ердан турли илм соҳаларида етук олимлар етишиб чиқди. Қорахонийлар давридаги мадрасалар ҳақидаги тўлиқ маълумотни Томғоч Буғрохоннинг 459/1066 йили Самарқанд шаҳрида қурдирган мадраса вақф ҳужжатларидан [40:184] ҳам олиш мумкин. У Мовароуннаҳрда тузилган ва бизгача етиб келган вақф ҳужжатларининг илк намуналаридандир. Илм-фан нуқтаи назаридан қаралса, Иброҳимхон томонидан қурдирилган бу мадраса илм, маърифат ва тарбия ўчоғи бўлиб хизмат қилган, ҳамда ботил мазҳабларнинг ёйилмаслиги учун ҳанафий олимлари етиштирган.

Ушбу вақф ҳужжатида, қўлга киритилган қиримларни, биринчи навбатда мадрасанинг эҳтиёжлари учун сарфланиши, дарахтлар экишда қўлланиши ҳақидаги келишувлар учрайди. Шунингдек, мадрасада ҳанафий мазҳаби бўйича таълим олиб бориш шартлиги алоҳида айтиб ўтилган. Талабаларга бериладиган ойлик маош энг кўпи ўттиз дирҳам қилиб белгиланган. Уларнинг ҳолатидан келиб чиқиб мударрис томонидан тайинланиши ва пулнинг қадрсизланиш ҳолати ҳам эътиборга олиниш кераклиги баён этилган [40:185].

Мазкур вақф ҳужжатида мадраса нозири вафот этган ҳолда унинг ўрнига келадиган киши таълим аъзоси ва фақиҳ бўлиши, шунингдек, Самарқандда фатво бера оладиган фақиҳларнинг қарори билан тайинланиши, ишончли ва ахлоқли бўлиши шарт қилинган [40:185].

Қорахонийлар даврида барпо этилган мадраса ва масжидлар ва уларнинг фаолияти, Қорахоний ҳукмдорларининг илм-фан ривожига катта аҳамият берганликларини ва бу эса, ҳанафий мазҳабини Мовароуннаҳр бўйлаб тарқалиши асосий сабаблардан бири бўлганини билдиради. Бу ҳолат, ўз навбатида, Фахруддин Ўзжандий яшаб, ижод қилган даврнинг илмий муҳити ҳақида тасаввур ҳосил қилишда алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳанафий мазҳабининг ривожига ҳисса қўшган Убайдуллоҳ ибн Умар ад-Дабусий (ваф.456/1063 й.), Ҳалвоний (ваф. 482/1089), Сарахсий (400/483-1009/1090 й.),

Паздавий (ваф. 482/1089 й.), Умар Садр аш-Шаҳид (ваф. 536/1141 й.), Умар ан-Насафий (ваф. 537/1142 й.), Ибн Моза Маҳмуд (ваф. 570/1174 й.), Алоуддин Косоний (ваф. 546/1151 й.), Қодихон (ваф. 592/1196 й.) ва Марғиноний (ваф. 594/1197 й.) каби фақиҳларнинг Қорахонийлар даврида етишиб чиққанлиги ва Мовароуннаҳрдан бўлганликлари бу даврнинг ҳанафий мазҳаби ривожига ва унинг Мовароуннаҳр бўйлаб кенг тарқалишига катта таъсир кўрсатган.

Қорахонийлар даврида Самарқанд, Сарахс ва Бухоро каби Мовароуннаҳр шаҳарлари мустақил илм марказлари бўлиб, у ерларда ҳанафий мазҳабининг асослари ишлаб чиқилган. Бу ерда мусулмон туркий ҳукмдорларининг фақиҳларга кўрсатган илтифотлари ҳам катта таъсирга эга бўлган. Қорахонийлар даврида яшаб ижод этган Мовароуннаҳрлик фақиҳлар мужтаҳид фақиҳлар бўлгани сабабли ислом ҳуқуқи тарихида Қорахонийлар даврини “мужтаҳид имомлар даври” ичига киргизиш мумкин. Тақлид даври бу даврдан кейин бошланган.

### **Хулоса**

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Қодихон яшаган давр, сиёсий таназулли ва беқарорлиги билан ажралиб туради. Шунга қармай ушбу давр маданият, санъат ва илм-фан ривожланганлиги билан ўзига хос аҳамият касб этади. Бу даврда шаҳарларда масжидлар, мадрасалар, карвонсарой ва аҳолига манфаъатли иншоотлар барпо этилган.

### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Агаджанов С.Г. Государство Сельджукидов и Средняя Азия в XI-XII вв. – М.: Наука, 1991. – Б. 125, 175
2. Алтан Четин. Ирфон қўшинининг тамаллари, туркийларда мадрасалар. // Диний тадқиқотлар. Ж. 2. Анқара. 1999. – Б. 184.
3. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. М.: Издательство восточной литературы, 1963. Ж. 1. – Б. 376.
4. Бартольд. Туркестан. Ж.1. –Б 381;
5. Бартольд. Туркестан. Ж. 1. – Б 381; Reşat Genç. Karahanlı devlet teshkilati. – Б. 22
6. Бартольд. Туркестан. Ж. 1. –Б 382
7. Бартольд. В.В. Ж.1. – Б. 383; Reşat Genç. Karahanlı devlet teshkilati. – Б.22
8. Бартольд. Туркестан. Ж. 1. –Б 383
9. Бартольд. В.В. Ж.1. – Б. 373.
10. Бартольд. Туркестан. Ж. 1. –Б 383; Reşat Genç. Karahanlı devlet teshkilati. – Б.23;
11. Бартольд. Туркестан. Ж. 1. –Б 386
12. Бартольд. Туркестан. Ж. 1. –Б 389; Агаджанов С.Г. – Б. 178
13. Бартольд. Туркестан. Ж. 1. –Б 400
14. Бекмирзаев И.И. Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг “ал-Муҳит” асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни: Дис. ... тарих фан. номз. – Т.: ТИУ, 2009. – Б. 20 (Бундан кейин: Бекмирзаев, 2009)



15. Босворт. К.Э. Мусульманские династии. М.: Издательство Наука. / Перевод П.А.Грязневича. –Б. 156
16. Босворт. К.Э. Мусульманские династии. – Б. 157
17. Босворт. К.Э. Мусульманские династии. – Б. 157
18. Босворт. К.Э. Мусульманские династии. – Б. 157
19. Ибн ал-Асир. Ал-Комил фит-Тарих. 11 жилдли / Абул-Фадак Абдуллоҳ ал-Қози таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-Кутуб ал-Илмийя, 1987. Ж.9 – Б. 320.
20. Ибн ал-Асир. Ал-Комил. Ж.9 – Б. 137
21. Ибн ал-Асир. Ал-Комил. Ж.9 – Б. 137; Бартольд. Туркестан. Ж. 1. –Б 382; Ömer Soner. Karahanlılar. – Б. 292
22. Ибн ал-Асир. Ал-Комил. Ж.9 – Б. 320; Агаджанов С.Г. – Б. 175
23. Ибн ал-Асир. Ал-Комил. Ж.9 – Б. 253
24. Ибн ал-Асир. Ал-Комил. Ж.9 – Б. 253;
25. Ибн ал-Асир. Ал-Комил. Ж.9 – Б. 321; Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. Фрунзе: Киргизгосиздат, 1943. –Б 32 ;
26. Ибн ал-Асир. Ал-Комил. Ж.9 – Б. 321; Бартольд. Очерк истории Семиречья. –Б 33;
27. Ибн ал-Асир. Ал-Комил. Ж.9 – Б. 322
28. Ибн ал-Асир. Ал-Комил фит-Тарих. 11 жилдли / Абул-Фадак Абдуллоҳ ал-Қози таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-Кутуб ал-Илмийя, 1987. Ж.9 – Б. 59.
29. Ибн ал-Асир. Ал-Комил. Ж.9 – Б. 322;
30. Каважки Ю.З. XI ve XII Asırlarda Karahanlılar Devrinde Mavera' al-Nahr İslam Hukukçuları. Анкара: Sevinç Matbaası. 1976. – Б. 1.;
31. Муҳаммад Абдулхай ал-Лакнавий. Ал-Фаво'ид ал-баҳиййа фи тарожум ал-ҳанафиййа / Муҳаммад Бадруддин ан-Наоний таҳрири остида. – Байрут: Дар ал-китаб ал-исламий, 1418/1998. – Б. 99 (Бундан кейин: Лакнавий. Ал-Фаво'ид.)
32. Рашод Генч. Karahanlı devlet teshkilatı. – Б. 22
33. Самъоний. Ал-Ансоб. Ж.8. –Б 77; Бартольд. В.В. Ж.1. – Б. 383
34. Ömer Soner Hunkan. Türk Hakanlığı (Karahanlılar) Kuruluş-Gelişme-Çöküş (766-1212). – Istanbul: Tanıtım Hizmetleri Ticaret Limited Şirketi, 2011. – Б. 291.
35. Nihad Sami Banarlı. Resimli Türk Edebiyatı Tarihi. М.Е.В., Истанбул. 1998. Ж.1. – Б. 218
36. Ömer Soner. Karahanlılar. – Б. 292; Бекмирзаев, 2009. – Б. 27
37. Ömer Soner Hunkan (Karahanlılar). – Б. 310; Бартольд. Туркестан. Ж. 1. –Б 400
38. Reşat Genç. Karahanlı devlet teshkilatı. – Б.22; Агаджанов С.Г. – Б. 149
39. Reşat Genç. Karahanlı devlet teshkilatı. – Б.22
40. Reşat Genç. Karahanlı devlet teshkilatı. – Б.23; Бартольд. Туркестан. Ж. 1. –Б 386
41. Reşat Genç. Karahanlı devlet teshkilatı. – Б.23
42. Reşat Genç. Karahanlı devlet teshkilatı. – Б.23; Бартольд. Туркестан. Ж. 1. –Б 389; Ömer Soner Hunkan (Karahanlılar). – Б. 347
43. Reşat Genç. Karahanlı devlet teshkilatı. Ankara. Turk tarih Kurumu, 2002. – Б.1

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3) – 2023

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES Special Issue

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).